# ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ. КЕЙИН-ЧИ?

**Турфа гуллар очилган ҳовлига киришимиз биланоқ, майдонни эгаллаган буғдой уюмига кўзимиз тушди.**

**— Аввал режани бажардик, ортганини кўриб турганингиздай, уйга туширдик, — деди Муҳаммадраҳим. Кейин чуваккина юзларига табассум қўниб ҳазиллашди. — Бизга текканди шу бўлди.**

**— Уч-тўрт тонна бордир?**

**— Салкам беш тонна.**

**— Унда қолганлар ботмонлаб олибди-да?..**

**— Ишлаган кам бўлмайдиган замон келди. Меҳнат қилибдими, қандини урсин! Илгари ижарачи бўладими, раҳбарми — унинг баҳоси йиллик режани бажаришга қараб ўлчанарди. Энди уларнинг салоҳияти хўжалик омборига, деҳқоннинг бардонига тўкиладиган донга қараб белгиланмоқда.**

Муҳаммадраҳим Аламатов вилоятдаги 1691 фермернинг биттаси. Андижон қишлоқ хўжалик институтини битирган бу йигит Марҳамат туманидаги Қорабоев номли ширкат хўжалигидан ўн гектар ер олди. Ярмида пахта, қолган қисмида ғалла етиштириш юзасидан хўжалик билан шартнома тузди. Ана шу муҳим ҳужжатни у ўз шаъни, орияти, эл-юрт олдидаги лафзининг қонуний кафолати, деб билди. Шу боис шартномада кўрсатилган шартларнинг сўзсиз бажарилиши учун курашди. Қўл остидагиларни ҳам шунга даъват қилди. Самараси дейсизми? Чакки бўлгани йўқ. Ишонч оқланди. Одамларнинг қўли пул кўрди, омбори эса донга тўлди.

Маълумки, шартнома барча ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини ташкил этади. Бу бозор иқтисодиётининг, бугунги куннинг талабидир. Андижонлик деҳқонлар шартномавий муносабатга киришишдан аввал бу шартнома ўзи учун фойда ёки зарар келтириши, унинг шартларию талаблари бозор талабларига мос келиш-келмаслиги хусусида обдон ўйлаб кўради, таҳлил қилади ва етти ўлчаб бир кесади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, истиқлол йилларида деҳқонларнинг ерга, мулкка муносабати, эгалик ҳисси ўзгарди, ҳуқуқий билими ортди. Бугун биронта қишлоқ мулкдори йўқки, хўжалик ёки қайта ишловчи корхона билан шартнома тузмаган бўлсин. Режага кўра, жорий йилда фермерлар 37 минг 485 тонна пахта, 29966 тонна буғдой, 2195 тонна сабзавот, 657 тонна мева, 331 тонна узум, 108 тонна картошка, 408 тонна гўшт, 1838 тонна сут тайёрлашлари керак. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил ҳаракат қилаётирлар.

Президентимиз Қашқадарё вилоятида бўлганларида барчанинг эътиборини яна бир бор Андижон ғаллачилик мактабига қаратганлари бежиз эмас. Ҳа, бу ерда ҳар бир деҳқон аниқ ҳисоб-китоб билан иш юритади.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам андижонлик ғаллакорлар қўлга киритган муваффақиятлар бутун мамлакатни қувонтирмоқда. 27 июн куни дон сотиш йиллик шартномавий режаси уддаланди. Жойлардаги қабул шохобчаларига 241.500 тонна, жумладан, 151 минг тонна уруғлик ғалла етказиб берилди. Вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик 75 центнерни ташкил этди. Ялпи даромад 19 миллиард 69 миллион сўмга етди. Давлат буюртмасининг муваффақиятли адо этилишига 14 та туман, 194 та ширкат хўжалиги, 1691 та фермер хўжалиги, 10.372 нафар пудратчи ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Асака туманидаги «Навбаҳор» ширкат хўжалигининг Адҳамжон Қодиров бошлиқ пудратчилари ҳосилдорликни «Крошка» нави ҳисобига 110 центнерга етказдилар. Шаҳрихон туманидаги Саримсоқов номли, Балиқчи туманидаги Х. Эргашева номли, Избосган туманидаги «Урганжи», Асака туманидаги «Янги ҳаёт», Жалолқудуқ туманидаги «Қатортол» ширкат хўжаликларининг ғаллакорлари 80 центнердан 90 центнергача ҳосил олдилар. Асака, Шаҳрихон, Балиқчи, Марҳамат туманларида ҳам ҳосилдорлик 80 центнердан юқори бўлдики, бу натижалар билан андижонликлар ҳар қанча фахрланса арзийди.

Кейинги йилларда, айниқса, қишлоқ мулкдорлари билан таъминотчилар ўртасида юзага келган муаммоларнинг жойида ҳал этилаётганлиги эътиборга моликдир. Чунончи, машина-трактор парки билан техника хизмати кўрсатиш, «Ўзқишлоқкимё» вилоят уюшмаси билан минерал ўғитлар, вилоят нефть маҳсулотлари унитар корхонаси билан ёнилғи-мойлаш ашёлари таъминоти борасида икки томонлама шартномалар тузиш қатъи йўлга қўйилди. Оқибатда дала ишларини ташкил этиш, ҳосилни йиғиштириб олиш ҳамда кузги-қишки тадбирларни бажаришда содир бўладиган узилишлар барҳам топди.

Қишлоқ мулкдорларининг салоҳиятини янада ошириш мақсадида мамлакатда биринчи бўлиб кооператив бирлашмалар тузишга киришилди. Янги тизимни ташкил этишдан мақсад техника-сервис ва таъминот хизматини янада яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотишни такомиллаштиришдан иборатдир. Бу борада Улуғнор туманида дастлабки қадамлар ташланди. Бир қатор кооперативлар маблағларини жамлаш эвазига энг замонавий тракторлар ва бошқа техника воситалари сотиб олишга киришдилар. Ўтган йили Россиядаги саноат марказларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 20 миллион АҚШ доллари миқдорида шартнома имзоланганди. Шартномага кўра, 43 миллион 121 минг сўмлик 1300 дона техника воситалари келтирилиб, улар қишлоқ мулкдорлари ихтиёрига топширилди.

Ютуқлар ўзимизники, камчиликлар-чи? Айрим тайёрлов ташкилотлари томонидан маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатлари поймол этилаётганлиги ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Бу қонун бузилишларига олиб келаётир. Таҳлиллар ва мутахассисларнинг хулосалари шундан далолат бермоқдаки, шартнома шартларининг бажарилмай

**Тажриба таққос таҳлил**

қолишининг асосий сабаби томонларнинг ана шу ҳуқуқий ҳужжатга эътиборсизлик билан қарашлари, шартнома интизомига риоя қилишда маҳсулот етказиб берувчи ва тайёрловчининг ўзаро ички назорат механизми ишламаётганлигидир. Шартнома тузиш пайтида унга масъулият билан ёндошмаслик, уни номигагина тузиш, асосий шарт ва мажбуриятларни ҳисоб-китоб қилмасдан имзолаш ана шундай дилхираликларга, асаб бузилишларига олиб келмоқда. Шаҳрихон туманидаги «Дилшод-1» фермер хўжалиги Амир Темур номли жамоа хўжалигига қарийб 30 тонна пахта етказиб берган бўлсада, маҳсулот ҳақини узоқ муддат ололмай келганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ёки Жалолқудуқ туманидаги Охунбобоев макка саралаш корхонасини олиб кўрайлик. Мазкур ташкилот Марҳамат туманидаги «Турдиқулов» фермер хўжалиги етказиб берган 8 тонна маккажўхори дони ҳақини узоқ муддат тўламасдан келган.

Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари билан ҳар иккала фермернинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Топширилган маҳсулот қиймати ва шартнома шартларида белгиланган пенялар, иқтисодий зарарлар ундириб берилди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: шартномани тузишга тузиб, уни бажармасликдан мақсад нима? Корхона ёки ташкилотни обрўсизлантиришми? Маҳсулот етказиб берувчининг ишончига дарз етказишми?

Шартноманинг бажарилиши ҳар икки томоннинг манфаатлари рўёбга чиқиши, ташкилотларнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилувчи пойдевордир. Шартнома — томонларнинг юзи-кўзи, шаъни, обрўйи. Шартнома интизоми адолат мезонидир. Адолат эса масъулиятсизлик, бепарволик, лоқайдликни кечирмайди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДЕПСИНИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, "Оҳангаронлинпласт"ни маҳаллий хомашёга ўтказиш керак ва зарур. Ана ўшандагина ушбу ишлаб чиқариш тўла қувватга эришади, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот етказади.

Ана шу корхона, юқорида айтилганидек, ҳозирги пайтда мураккаб молиявий ҳолатни бошдан кечирмоқда, валюта кредитларини узиш муддатлари барбод бўлаяпти. Бир идора раҳбарларининг калтабинлиги бутун бир муаммолар силсиласида узилишга олиб келишига яққол мисол бу. Ишлаб чиқаришни маҳаллий хомашё билан таъминлаш масалалари ўз вақтида ўйланмаганлиги учун шундай танг вазият рўй бермоқда.

Ҳозирги кунда "Ўзқурилишматериаллари" акционерлик компанияси, "Оҳангаронлинпласт" акционерлик жамияти раҳбарлари боши берк кўчадан чиқишнинг бирор йўлини топишга ҳаракат қилишаяпти. Лекин яхши ниятда бошланган ишни шу даражада чалкаш вазиятга солиш керакмиди? Бир жойда уч йил депсиниш давлатга жуда қимматга тушаяпти. Янги саноат корхоналарини ишга туширишга, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун асқотиши мумкин бўлган маблағлар амалда ҳаракатсиз турибди.

Минг афсуски, бундай узоқни кўзламай қилинган ишлар кам эмас. Худди шунинг учун иқтисодий ислоҳотлар ҳамиша ҳам кўзланган натижаларни бермаяпти. Охиригача пухта ўйланмаган лойиҳалар, чет элдан келтириладиган хомашё ва бутловчи қисмларга ишониш ўзини оқламаяпти. Ишлаб чиқаришни тўласинча маҳаллий хомашё ҳисобига йўлга қўйиш — энг ишончли йўлдир.

**Абдувоҳид ҲОТАМОВ,**
**«Народное слово» мухбири.**

*Тадбиркорликка — кенг йўл!*



## Хўжалик – шахсий, манфаат – умумий

**Поп туманидаги «Шахбоз» фермер хўжалигига Бургутали Йўлдошев «Мустақил» фермер хўжалигига эса Рашидхон Қўчқоров раҳбар. Бугунги кунда Рашидхон фермасида қорамоллар сони 100 бошга, қўй-эчкилар 300 бошга етган. Жорий йилда, шунингдек, хўжалик аъзолари 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан дон ҳам етиштиришди. Соф фойда 10 миллион сўмни ташкил этди. Айни кунларда эса 10 гектар майдонда маккажўхори гуркураб ўсмоқда.**

**«Мустақил» фермер хўжалигида эса 48 киши меҳнат қилмоқда. Меҳнат аҳли адир ерлар шароитида ҳар гектар майдондан 31 центнердан ғалла саранжомлаб, 7 миллион сўм соф фойда олдилар.**

***СУРАТДА: фермерлар Бургутали Йўлдошев ва Рашидхон Қўчқоров.***

**Турғунбек МАҲКАМОВ, олган сурат.**

*Шахсий фикр*

# ҚАНОТ ЖУФТ БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ

**Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Давлатга сотилаётган пахта, ғалла, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар меҳнати билан яратилмоқда. Айниқса, чорвадор фермерларнинг меҳнати таҳсинга лойиқдир. Улар гўшт ва сут етиштиришда энг замонавий технологиялардан дадил фойдаланишмоқда.**

Менинг 20 гектар ерим бор. Бир неча йилдан буён пахтадан ўртача 35-37 центнер, ғалладан эса 45 центнергача ҳосил етиштираяпмиз.

Маълумки, энди иш бошлаган фермер хўжаликларининг аксариятида техника етишмайди. Ёнилғи-мойлаш материаллари олишда, банк билан муомала қилишда, ёғ-экстракция заводларидан топширилган маҳсулотнинг қайта ишланган қисмини харид қилишда талай муаммоларга дуч келинади.

Хўш, ана шу тажрибасиз фермерларга ким ёрдам қўлини чўзиши керак? Албатта, биринчи галда туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси. Афсуски, ҳозирча улар йиғилиш ўтказиш, аъзолик бадали йиғиш, енгил-елпи маслаҳатлар беришдан нарига ўтишмаяпти. Аслида бу уюшма раҳбарлари ҳар бир фермернинг муаммоларидан хабардор бўлиши, қийин вазиятлар юзага келганда, амалий кўмак беришлари шарт.

Деҳқон ерни экишга қандай тайёрлашни, қачон уруғ экишни, қай пайтда сув тарашу ҳосилни йиғиштириб олишни яхши билади. Унга ўғит олишда, маҳсулот айирбошлашда, молиявий ҳисоб-китоблар чоғида, техника ва ёнилғи таъминотида ёрдам зарур. Бу ҳол ҳам вақтинчалик. Яна 2-3 йилдан кейин бирон-бир фермер нонини туя қилиб берадиганларнинг йўлидан юрмайди. Унда тажриба, кўникма ҳосил бўлади.

Одатда деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси мутасаддилигига ё амалдан тушган, ёки амалга минишга чоғланаётган кишиларни қўйишади. Бундай кишилар кўпинча раҳбарларнинг оғзини пойлаб туради. Қолаверса, улар майда-чуйда топшириқларни бажариш билан банд бўлиб қолишади.

Уюшма раҳбарлигига деҳқончиликни, унинг муаммоларини яхши биладиган, ўз гапини ҳар қандай идорада ўтказа оладиган, ҳуқуқий масалаларда саводхон, фермернинг ҳар қандай ҳақли талабларига қулоқ соладиган тажрибали кишилар тайинланса яхши бўларди.

Ҳар бир фермернинг яқин кўмакчиси, маслаҳатдошига айланган уюшма раҳбаригина бугунги даврда аниқ фойда келтириши мумкин. Акс ҳолда, у номигагина ишлаб, номигагина фаолият юритувчи шахсдан нарига ўтолмайди. Ваҳоланки, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги нутқида таъкидлаганидек, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали янги-янги иш жойлари ташкил этиш керак. Бугуннинг талаби шу.

**Келдибек УСМОНОВ,**
**Боёвут туманидаги «Тараққиёт» ширкат хўжалиги фермери.**

# «Санам» хорижга йўл олди





Қарши шаҳридаги «Санам» очиқ ҳиссадорлик жамиятида асосан катталар ва болалар учун кўйлак тикилар эди. Сўнгги йилларда «Санам» чеварларининг ташаббускорлиги, изланувчанлиги боис корхонада ижобий ўзгаришлар қилинди. Эндиликда бу ерда тайёрланаётган куртка, кўйлак, спорт кийимлари ва махсус коржомалар «Санам»ни нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам машҳур қилмоқда.

Яқинда Россиянинг Москва ва Иваново шаҳарларида «Санам» маҳсулотларининг доимий кўргазмаси — «Савдо уйи» ташкил этилди. «Санам» тикувчилари Москва шаҳридаги «Автолайн» компаниясидан катта ҳажмда буюртма олди.

***СУРАТЛАРДА: «Санам» цехларида иш қизғин; тажрибали тикувчи Анвара Самадова.***

**Нилуфар ДАДАМУРАТОВА.**
**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ЎЗБЕК автомобиллари Европага чиқди

Бор йўғи беш йил аввал — 1996 йилнинг июлида Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» заводида биринчи ўзбек автомашинаси ишлаб чиқила бошланди. Бу билан эса мамлакатимизда автомобилсозлик саноатини ривожлантириш борасида илк қадам қўйилган эди. Бугунги кунда «Дамас» микроавтобуслари, «Нексия» ва «Тико» енгил машиналарини узоқ ўлкаларнинг кўчаларида ҳам учратиш мумкин.

Шуниси қувонарлики, ўзининг сифати ва бежирим кўриниши билан жаҳон андозаларидан қолишмайдиган Ўзбекистонда чиқарилган автомобиллар, чет эллик автомобилсозлик соҳаси мутахассислари томонидан тан олиниб, юқори баҳоларга сазовор бўлмоқда. Ўзбек автомобилларини жаҳон бозорига экспорт қилишга қизиқиш билдираётган чет эл компанияларининг сони ортиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг бу соҳадаги янги ҳамкорларидан бири — британиялик «МЕКС Коммодитис» компанияси ҳозирги кунда «ЎзДЭУавто» билан ҳамкорликда ўзбек автомобилларини Европа, хусусан Буюк Британия Қироллиги давлатларига экспорт қилиш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг автомбилсозлик саноати учун ушбу узоқ муддатли лойиҳа Европа бозорини ўзлаштиришда илк «қалдирғоч» бўлди десак, муболаға эмас. Ушбу лойиҳани уч босқичда амалга ошириш режалаштирилмоқда.

«МЕКС Коммодитис» компанияси аввалига ривожланаётган мамлакатлар, кейинчалик эса юқори стандартлар қўлланадиган давлатларга, яъни Европа ва Америка мамлакатларига экспорт қилишни мўлжалламоқда. Бу мақсадга эришиш учун экология ва хавфсизлик бўйича Европа стандартларига тўла жавоб берадиган «яшил двигател»ли машиналарни яратишга буюртма бериш кўзда тутилган. Компания Ўзбекистонда ўнг томон бошқарувли автомобилларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишни ҳам режалаштирмоқда.

Айни шу кунларда Британиянинг Саутгемптон шаҳридаги «Авто Терминал» тест марказида Ўзбекистоннинг «Дамас», «Нексия» ва «Тико» автомобиллари Европа Иттифоқи стандартларига мувофиқлигини аниқлаш учун синовдан ўтказилмоқда.

Британиялик мутахассисларнинг фикрича, ўзбек автомобиллари ўзининг дизайни ҳамда ёқилғини тежаб ишлатадиган двигателлари билан ажралиб туради.

— «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг маҳсулоти жаҳон автомобил бозорида катта истиқболларга эга, — деди «МЕКС Коммодитис» компанияси бошқаруви раиси Тони Вестбрук. — Автомобиллар ўзининг ҳар томонлама сифати билан бозорда бемалол рақобатлаша олади ва биз бундан ғоят мамнунмиз. Келаси йили компаниямиз 6 мингга яқин автомобил сотиб олишни кўзда тутмоқда, 2003 йилга келиб эса импорт ҳажмини 30 мингтага етказиш мўлжалланмоқда.

**Мардонқул ЁҚУБОВ,**
**«Жаҳон» АА.**
**Лондон.**

*Янги замон кишилари*

# ХОЛМАТОВНИНГ ҲАВОСИ

Кабинетга кириб боришим билан раиснинг ҳузурида ўтирган одам ўрнидан турди. Эшикдан чиқаётиб яна раисга ўгирилди ва ундан.

— Бизга нима топшириқлар бор, — деб сўради.

Бу сўровга жавобан раис кулиб юборди.

— Менга дежурний гап қилмасангиз. Топшириғим — шу, — деди. Сўнг ўша ҳожатбарор меҳмонни яна бир пас стулга ўтиришга даъват қилди ва гап бошлади.

— Мен бировга топшириқ ҳам қилмайман, илтимос ҳам. Топшириқ айтгим келса — ўзимга қарата айтаман. Масалан, оғриб турган жағ тишимга, ухламоғим керак, биродар, бас қил энди инжиқлигингни деб буюраман-тишим бўйсунади-қўяди буйруғимга. Оғришдан таққа тўхтайди.

— Йўғ-е, — дейди меҳмон, бунча зўр одам бўлмасангиз сиз дегандай ҳайрат билан оғзи очилиб раисга боқади. — Биринчи кўришим...

— Болалигимда бўшроқ эдим, — деб меҳмоннинг гапини оғзидан олади раис. — Ёнимдан биров мотоцикл миниб ўтадими, велосипед-ми, унга қараб оғзим очилиб қолаверар эди.

Раиснинг бу гапини эшитиб меҳмоннинг бўшашиб турган лаблари қимтингандай бўлади.

— Биттаси ўшанда менга қаттиқ топшириқ қилган, — дейди раис гапнинг гапга улашиб кетаётганидан завқи тошиб. — Оғзим очилиб турган пайтда устимдаги янги майкани ечиб олиб, ана энди шу билан мотоциклимнинг гардларини артиб қўясан, деган. Ана шунда томоғимга аламга ўхшаш аччиқ бир нарса тиқилди. Майкамни унинг қўлидан шартта тортиб олдим. Даладан орқалаб ўт ташидим-да, қўрамиздаги молни семиртириб сотиб, пулига мотоцикл сотиб олдим. Мотоциклимни ҳо-ов, менга топшириқ берган одамнинг олдидан айлантириб-айлантириб миниб ўтдим. Бу ортиқча қилиғимга ўша одам ғайирлик кўрсатмади. Аксинча, ғайратинг, ғужуринг бор экан, Пардақул. Камроқ катайса қилу, кўпроқ китоб ўқи, одам бўласан, деди. Лекин кўз бир очилиши билан одам ҳамма нарсани кўрадиган бўлиб қолмас экан. Бир кун келиб катта шаҳарда коммунал хўжалик бошқармаси бошлиғи бўлиб қолдим. Кўзлари кўм-кўк бир каттакон, Шўро даври эди ўша йиллари, менга топшириқ қилди. Меҳмонхона ҳақини (у бир йиллар люкс номерда яшади) тўлаб қўй. Ҳовлимизда қурдирганимиз тош ҳовузнинг пулини ҳам деди. Бир малол келди, сен-сенлаб айтилган бу топшириқ менга. Э бор, дедим. Бу гапни катта мажлиснинг минбарига тақ этказиб олиб чиқиб қўйдим-ку....

— Қўлларингизга ҳам топшириқ қила оласизми? Қўлингизга, шеър ёз, достон ёз десангиз, ёзиб ташласа керагов, — дейди меҳмон яна жим ўтирмай.

Меҳмоннинг соддалиги раисга ғалати кўринади. Қўл билан шеър ёзиб бўлмаса керакдир, дейди. Менинг шеърим ҳам, достоним ҳам шу корхона. Бу достонни мен саксон беш кишилик жамоам билан ҳузур-ҳаловатлардан кечиб, кимларгадир ёмон кўриниб яратганман, дейди.

* * *

Раис деганимиз — Парда Холматов. Менинг корхонам дегани — «Термизнон» ҳиссадорлик жамияти. Ёши қирқ бешу вазни юз ўн беш килограмм бўлса-да, бир қўзғалишининг кучи билан осмонга ўн марта сакраб оладиганларнинг хилидан.

Лаборатория мудиридан Холматов ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг турлари ҳақидаги рўйхатни сўрайди. Шу орада шеригим — бир кичик ташкилотнинг раҳбари, стол устида турган қоғозларни кўздан кечиради: сертификатлар, ёрлиқлар, рухсатномалар...

— Нимаси қизиқ бу қоғозларнинг? — деб сўрайман шеригимдан.

— Қат-қат турган бу сертификати тушмагурларнинг ҳар бири учун Парда Холматов шу сумбати билан неча идораларнинг ҳовлисини, неча амалдорларнинг эшигини супиргандир эҳтимол. Қойил сабру матонатингизга, — дейди шеригим қошларини чимириб. — Бир сертификат оламан деб менинг сочларим оқариб кетди-ку.

Бу гап менга «Термизнон»нинг 2000 йилдаги ишлари битилган ҳисоботдан айрим сатрларни эслатади. Жамиятда қўл кучи эллик фоиз қисқаргани ҳолда 25 та янги иш ўринлари яратилган. Ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқ ва маҳсулот сифатини оширмоқ учун 464 минг АҚШ доллари миқдорида хориж сармояси ўзлаштирилган. Бугунги кунда Италиянинг машиналари ишлаб турибди. 35 хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Байрам кунлари маҳсулот турлари юзтага етказилади. Бу йил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир ярим бараварга оширмоқчилар.

— Манавига қаранг, — дейди Холматов чиройли идишда қадоқланган макаронга ишора қилиб. — Бизга турдош корхоналарда шу молнинг килоси 450 сўм. Бизда бўлса — 400 сўм. Йодли кулчаларимизни, пиёзли нонларимизни ҳам таннарх қийматида сотамиз. Бу билан даромадларимиз баракасига барака қўшилаётгандай. Ишчиларимизнинг ўртача ойлик маоши йигирма минг сўм. Ишонмасангиз, ана, ўзлари. Сўранг.

* * *

Шаҳримиз серқуёш деб мақтанганлари билан термизликлар ҳаво ҳарорати 45-50 даражага етганда соя-салқинни яхши кўриб қоладилар. Чори Жумаев деган ишчи билан нон пишириш цехида суҳбатлашиб қолдик. Цехдаги ҳаво ҳарорати 55-60 даража атрофида. Лекин Чорининг пешонасида бир томчи ҳам терни кўрмадик.

—Биласизми, корхонамизда атмосфера... ҳаво енгил. Қовоғини уюб юргани билан Холматовнинг ҳавоси енгил терламасдан, койинмасдан ишлашимиз — шундан,— дейди у. — Холматовми? Қаттиққўл. Кулибгина гапиради. Лекин эсдан чиқмайдиган қилиб гапиради. Ўзининг фойдасини эмас, бизнинг фойдамизни кўзлаб гапиради. Бизда тарафкашлик, тортишув, бир бирини ёзиш-чизиш йўқ. Бир тонна хамирга атиги бир литр сувни зиёда солиб қўйсак, шуниям раис сезиб қолади. Хатомизнинг олдини олади. Бир вақтлар ўқиганман Рокфеллер деган сармоядорнинг иш усулларини. Холматов нақ ўшанинг ўзгинаси. Рокфеллердан ҳам зиёда. Чунки — қўли очиқ. Ана, бир автобус одам яқинда Тошкентга бориб Юлдузхоннинг концертини томоша қилиб қайтдик. Корхонанинг ҳисобидан. Оналар ва болалар йили деб оналарга етти соатлик иш куни жорий қилинди. Иш ҳақи тўлиқ сақланган холда. Бирoнтамизнинг бошимиз ёстиққа етдими, раиснинг тинчи йўқолади. Бир оёғи шифохонада бўлиб қолади. Корхона ҳисобидан даволаттиради. Бошимизни бириктириб, дастурхонимизни тўлдириб турганидан кейин ишлайсан -да ўз корхонангга жонингни садқа қилиб...

* * *

Ун омборининг саришталигини, бир мисқол ун ерга тўкилмаганини кўриб, шеригим қойил дегандай, лабини тишлади. Ва ун технологиясидан унча-мунча хабардор эканми, «Унни завод неча фоиз намлик билан сизларга беряпти?», деб сўраб қолди.

— Заводдагиларнинг саводлари ошиб кетган, — деди Холматов маъноли кулиб. — Анқайиб турсанг, оғзинг очилиб қолса, улар намликни камайтириброқ ёзиб беришади.

— Масалан...

— Масалан-пасалани йўқ. Шерикнинг сирини очиш мардлик саналмайди. Бор-ку, ўзингта пухта бўлу қўшнингни ўғри тутма, деган мақол.

— Айтайлик, фоизи аслида юқорироқ бўлган уннинг намлигини завод пасайтириброқ ёзиб берса...

— Йўғ, йўғ... Жамиятимизнинг ҳисобидан ё фойдасидан бошқа бировнинг текин манфаат ундиришини кўриб туриб кўрмасликка олсам, нонимизга — ҳалолликка зид нарса аралашса... Уф... Донишмандларга ўхшаб гапира бошласам, терга тушиб кетаверaман. Э, Баротов, Неъматбой, — деб у гап мавзуидан ўзини олиб чиқиш учунми, ходимларини чорлади. Уларга у-бу нарсаларни тайинлаган бўлди ва не ажабки, ўзига малол келиб турган ҳалиги мавзудан тағин ўзи гап очиб қолди:

— Заводдан, денг, яқинда жарима ундириб олдик. Мўмайгина. Шундай. Кўзимиз очиқ экан, кўзимизга чўп суқмоқчи бўлганларга оғзимизни очиб қараб тураверсак. — Гап бўптими шуям. Майда-чуйда фалсафаларни четга суриб қўйиб шундай ишламоқ лозимки, шиддатимиз эллик-юз йил нарилардан ҳам кўриниб турадиган бўлсин...

Шу гапдан кейин унинг кайфиятини, кўз қарашларию ҳаяжонларини кузатмоқчи эдим. Бўлмади. Телефон жиринглаб қолди. Хорижлик сармоядорлардан бири билан иш юзасидан шошилмай бир талай нарсаларни гаплаша бошлади...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

